

БАМИЯ НОАНЪАНАВИЙ ОЗИҚАБОП ЭКИН

Аннамуратова Д.Р-
б.ф.н. доцент., УрДУ,

Бекчанова М.К –
ўқитувчи, УрДУ,

Ражабова Н.Р -

УрДУ биология йўналиши 1- курс магистр.

Аннотация. Турли бамия навларининг биоэкологик ва морфофизиологик хусусиятлари ўрганилди. Бамия ёруғ ва иссиқсевар ўсимлик бўлиб, навларининг биологик хусусиятлари ва етиштириш шароитларига боғлиқ ҳолда вегетация даври турли муддатларда давом этиши аниқланди.

Калит сўзлар: бамия, Malvaceae, ўғит, ўсимлик, иссиқлик, намлик, уруғ, интродукция.

Республикамиз суғориладиган ерларининг турли даражада шўрланганлиги, қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнлари кучайиб бораётган даврда ноёб ва истиқболли ўсимликларни излаб топиш, уларнинг биоэкологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш, муайян тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш яъни интродукция қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, экинларни алмашлаб экиш тизимида янги истиқболли ўсимликларни киритиш ўсимликнинг чидамлилигининг ортишига ва агроценознинг барқарорлигига имкон яратади. Кейинги йилларда республикамиз экин майдонларига эртапишарлиги, юқори ҳосилдорлиги, турли зараркунанда ва касалликларга чидамлилиги билан ажралиб турадиган ўсимликларни экиш тавсия қилинмоқда. Ана шундай ўсимликлар қаторига бамия ўсимлигини киритиш мумкин. Бу ўсимлик серқирралиги билан ажралиб туради. Бундай ноёб ва истиқболли ўсимликлар яқин келажакда мамлакатимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат, саноатни хом-ашё ва чорвачиликни тўйимли ем-хашак билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

Ўсимликлар дунёсини ўрганиш уларни озуқа ва доривор сифатида ишлатиш, саноатда фойдаланиш мумкинлигини, ем-хашак бўлиш хусусиятини ўрганишда биз аввало ҳар бир тур ўсимликни илмий асосда ажрата билишимиз унинг фойдали ва зарарли хусусиятларини ҳисобга олишимиз керак.

Hibiscus esculentus L.- *Malvaceae* оиласининг *Hibiscus* туркумига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, (маданийлашган ҳолда бир йиллик ўсимлик), барча иссиқ мамлакатларда –Осиё, Африка ва Америка ҳамда Жанубий Европада экилади. Бамия ўз ватани –тропик Африкадан тортиб бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалган сабзавотлардан биридир. Тарихий манбалардан маълумки, бамияни Қадимги Мисрда эрамиздан икки минг йил олдин ҳам экиб кўпайтиришган [1].

Ўзбекистон флорасида *Malvaceae* оиласининг 7 туркумга мансуб 27 та тури учрайди [2, 3]. Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Афғонистон ва Қрим, Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ ва Кавказорти мамлакатларида бамия-томорқада етиштириладиган ўсимлик сифатида учрайди. Ҳиндистон, Нигерия ва АҚШ нинг унча катта бўлмаган жанубий туманларида ўсимлик толаси учун экиб ўстирилади.

Ўзбекистон шароитида бамия коллекциясидаги айрим намуналарнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги С.С. Берлянд, И.И. Пугачев, Л. Г. Калягина, Б.Ё. Тўхтаевлар томонидан ўрганилган. Муаллифлар селекция жараёнида эрта ва ўрта

пишар, аскорбин кислотаси кўп бўлган силлиқ кўсақли 3 та намунадан фойдаланишни тавсия қилишган.

Бамия – иссиқсевар ўсимликдир, айниқса майсалари иссиқлик ва намликка юқори эҳтиёж сезади. Бамия озик-овқат ва ем-хашак экини сифатида катта аҳамиятга эга бўлган истиқболли ўсимликдир. Яшил массаси чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Унинг биомассаси кўк озуқа сифатида, ўт уни ва силос тайёрлашда ишлатилади.

Бамянинг 3-5 кунлик ёш кўсақларидан ажойиб шўрвалар, гарнирлар ва тансиқ газаклар тайёрлаш мумкин. Ям - яшил рангдаги кўсақларини қайнатиш, қовуриш мумкин, уларни қуриштириб, музлатиб, консервалаб қишга олиб қўйилади. Ўсимлик таркибида (ёш кўсақлари ва уруғи) инсон организми учун фойдали бўлган оқсиллар, аскорбин кислотаси, В гуруҳи витиминлари, шунингдек катта миқдорда ёпишқоқ моддалари бўлганлиги боис ундан тайёрланадиган таомлар ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар учун қимматли парҳез таом бўлиб ҳисобланади.

Бамия қайнатмасидан нафас йўллари касалликлари, хусусан бронхит ва йўтални даволашда фойдаланилади. Унинг поясидан оқ дағал тола олиш ҳам мумкин.

Бамия гулининг тожибарглари ва тумшукчасидан тропик мамлакатларда бўёқ олишда фойдаланилади.

Ушбу илмий манбаларнинг қисқача шарҳи бамия ўсимлигининг серқирралигини, муайян тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўсиш ва ривожланиш жадаллигининг ҳамда ҳосилдорлигининг ўзгаришидан далолат беради. Уни асосан сабзаёт экини сифатида озик-овқат мақсадларида етиштирилади. Яшил кўсақлари ва пишган уруғлари териб олинган, қолган вегетатив массасини чорва моллари учун озуқа сифатида ишлатилади, айрим мамлакатларда эса поясидан дағал тола ҳам олинади. Қовурилган уруғидан сохта кофе тайёрланади.

Бамия ёруғ ва иссиқсевар ўсимлик бўлиб, уруғлари 15-20 °С ҳароратда униб чиқади. Вегетация даври навларининг биологик хусусиятлари ва етиштириш шароитларига боғлиқ равишда турли муддатларда давом этади.

Бамия кеч кузгача (ноябр ойининг охиригача) мева ҳосил қилади, ўсимликларга кузги совуқ таъсир қилгунча вегетацияси давом қилади. Тупроқ шароитларига, унинг унумдорлигига жуда сезгир ўсимликдир, бироқ етарли миқдорда намлик ва озуқа режими яратилса турли тупроқларда ҳам ўсади.

У ҳаво ва сув ўтказувчи тупроқларда яхши ўсади, оғир лой тупроқли ва ортикча намланган ҳамда структурасиз қумлоқ тупроқларда жуда ёмон ўсади.

Унчалик юқори даражада унумдор бўлмаган тупроқларда бамиядан юқори барқарор ҳосилни олишда ҳал қилувчи омил – ўғитлардир. Ўғитлар ҳисобига қўшимча ҳосил 100-180 фоизни ташкил қилади.

Бамиядан юқори ҳосил олишда органик ўғитлар ҳам катта аҳамиятга эга. Уларнинг миқдори гектарига 30-40 тонна (гўнг)ни ташкил қилади. Тупроқнинг ўртача ва яхши унумдорлигида гектарига 100 кг аммоний нитрат, 200 кг суперфосфат ва 100 кг калийли ўғитлар ишлатилади.

Бамия такрорий экин сифатида экилганида ўзидан олдин экилган экинга махсус талаблар қўймайди. Энг муҳими – бамиядан олдин экилган экин эртароқ йиғиштириб олинган ва тупроқни экишга сифатли тайёрлаш учун етарли вақт бўлиши керак. Хоразм вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитларида бамяни июн ойининг 15-20 сизгача экиш зарур, акс ҳолда ҳосилнинг бир қисми аёзли кунларга қолиб кетади.

Бамия тупроқ унумдорлигига сезувчан ўсимликдир. Уруғларидан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлар билан бирга органик ўғитлар (гўнг, яшил масса - сидератлар) ни қўллаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. ЎзР Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси ҳақида”ги фармони.
2. Тухтаев Б.Е. Интродукция лекарственных растений на засоленных землях Узбекистана. Автореф. дис. ...док. биол. наук. –Ташкент, 2009. -38 с.
3. Пугачев И.И., Калягина Л.Г. Изучение коллекции бамии в условиях Узбекистана // Использование мировых коллекций для селекции овощных и плодовых культур в Узбекистане. –Ташкент: САФВНИИР САО ВАСХНИЛ, 1987. -С.4-8.
4. Қаршибоев Х.Қ., Ашурметов О.А. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши: Методик кўрсатмалар. –Тошкент, 1989. -22 б.